

**ЯЛЛИҒЛАНИШГА ҚАРШИ 2 ТУРДАГИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ
ПОЛИПРАГМАЗИЯСИДА БУЙРАКЛАРНИНГ МОРФОМЕТРИК
ПАРАМЕТРЛАРИНИНГ ЎРГАНИШ**

Мустафоев Зафаржон Мустафо ўғли

Самарқанд Давлат тиббиёт Университети Анатомия кафедраси PhD, в.в.б доценти

Сулейманов Ремзи Ибрагимович

Самарқанд Давлат тиббиёт Университети Анатомия кафедраси ассистенти

Калит сўзлар: нефрон, проксимал эгри-бугри каналчалар, дистал эгри-бугри каналчалар, полипрагмазия.

Аннотация

Каламушларда ўтказилган экспериментда каламушлар буйраги нефрони кисмларининг морфометрик ўзгаришларининг хусусиятлари ва яллиғланишга қарши дори воситалари полипрагмазиясидаги ўзгаришлари солиштирилди. Яллиғланишга қарши дори воситалари полипрагмазиясида буйрак нефрон кисмлари улчами кичраяди.

Тадқиқотнинг мақсади яллиғланишга қарши дори воситалари полипрагмазияси шароитида буйракнинг морфометрик параметрлари ўзгаришларини ўрганишдан иборат.

Тажриба 250 та оқ зотсиз каламушларда меъёрий вивариум шароитида ўтказилди. Унда 5 ойликгача бўлган каламушлар жалб қилинган. Тажрибанинг бошида барча жинсий этук каламушлар бир ҳафта давомида карантинда бўлиб, соматик ёки юқумли касалликларни истисно қилингандан сўнг, кунига 3 маҳал овқатланиш билан одатдаги вивариум режимига ўтказилган.

Ҳайвонларнинг тажриба гуруҳларида полипрагмазия таъсирини ўрганиш учун қуйидаги яллиғланишга қарши дорилар қўлланилган: Аспирин (ЯҚД - салицил кислотаси ҳосилалари), Парацетамол (ЯҚД - анилидлар ҳосилалари), Ибупрофен (ЯҚД - пропион кислотаси ҳосилалари), Дексаметазон (синтетик гидрокортикостероид), Плаквинил сульфат (яллиғланишга қарши таъсирга эга безгакка қарши восита). Тажриба ҳайвонлари 5 гуруҳга бўлинди (n = 250): I - назорат гуруҳидаги (n = 50); II - гуруҳ - 2 турдаги яллиғланишга қарши дори воситаси, парацетамол 15 мг / кг, аспирин 5 мг / кг (n = 50) 2 турдаги яллиғланишга қарши дори-дармонларни қабул қилувчи каламушлар, парацетамол 15 мг / кг, аспирин 5 мг / кг. Ушбу дори дозалари эмпирик тарзда ҳисоблаб чиқилган ва 10 кун давомида ҳар куни интрагастрал эритма сифатида киритилган.


Назорат гуруҳидаги каламушларга 141 кундан бошлаб 150 кунгача 10 кун давомида ошқозон-ичак тракти орқали металл зонд билан 0,5 мл ҳажмдаги дистилланган сув киритилиб турилган.

Назорат гуруҳини 5 ойлик каламушларининг буйраклари зичлиги юқори бўлиб, ловиясимон шаклга эга орган. Буйраklar ташқи томондан зич коллаген тўқимадан ташкил топган фиброз капсула билан қопланган. Фиброз капсула буйрақдан осонгина ажралади.

Тадқиқот давомида, назорат гуруҳ 5 ойлик каламушлари буйраklarининг органометрик параметрларини ўрганишда, буйраklarнинг абсолют оғирлиги 1569,11 мг дан 1789,08 мг гача, ўртача $1688,05 \pm 15,63$ мг, ўнг буйрақ узунлиги 16,23 мм дан 17,54 мм гача, ўртача $16,84 \pm 0,31$ мм, кенглиги 8,31 мм дан 9,65 мм гача, ўртача $8,88 \pm 0,09$ мм ва қалинлиги 7,34 мм дан 8,65 мм гача, ўртача - $7,95 \pm 0,32$ ммни ташкил қилди.

Шу билан бирга, кузатув даврида ўнг буйрақ ҳажми $1336,83 \text{ мм}^3$ дан $1904,4 \text{ мм}^3$ гача, ўртача - $1576,51 \pm 10,09 \text{ мм}^3$ ни ташкил қилади.

ЯҚДВ полипрагмазиясида каламушлар гуруҳи буйраklarини микроскопик текширишда томирлар коптокчаси капиллярларида қоннинг нотўғри тўлақонлилиги аломатлари борлиги аниқланган. Шу билан бирга, ушбу гуруҳ буйрақ таначаларининг ўлчамлари тажриба ҳайвонларнинг 1-гуруҳига нисбатан капсула бўшлиғи ва қон томир коптокчаси кичрайганлиги сабабли ҳажми кичрайган, бу унинг фильтрация жараёнларининг пасайганлигини кўрсатган (1-расм).



1-расм. Тажриба гуруҳлари (а-соғлом, б-икки хил турдаги яллиғланишга қарши дори воситаси қабул қилган) каламушлари буйрагининг пўстлоқ моддаси. 1-коптокча, 2-капсуланинг бўшлиғи, 3-проксимал эгри-бугри каналчалар, 4-дистал эгри-бугри каналчалар. Гематоксилин-эозин билан бўялган. Ок 10 х Ок 10

Ўтказилган гистоморфометрик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кузатув даврида буйрак таначасининг умумий майдони 2886,31 мкм² дан 2977,58 мкм² гача, ўртача 2937,62 ± 36,79 мкм², қон томирлари коптокчасининг майдони 2553,78 мкм² дан 2610,08 мкм² гача, ўртача 2581,14 ± 25,64 мкм² ва капсула бўшлиғи майдони 462,27 мкм² дан 485,23 мкм² гача, ўртача-474,34 ± 20,11 мкм² ни ташкил қилган.


Тажриба каламушлари буйрагининг проксимал эгри-бугри каналчалари гистоморфометрик текширувида кузатув давридан бошлаб проксимал эгри-бугри каналчалар диаметри 36,16 мкм дан 37,78 мкм гача, ўртача 35,98 ± 0,21 мкм, найчалар бўшлиғи диаметри 14,32 мкм дан 17,09 мкм, ўртача - 15,24 ± 0,21 мкмни ташкил қилган. Бу эса ушбу ёшдаги каламушларда реабсорбция жараёнларининг юқори фаоллигидан далолат берган.

Назорат гуруҳидаги 5 ойлик оқ каламушлар буйрагининг дистал эгри-бугри каналчалари морфометрик ўрганиш натижасида қуйидагилар аниқланди, дистал эгри-бугри каналчалар диаметри 28,21 мкм дан 31,12 мкм гача, ўртача 29,96 ± 0,05 мкм, каналчалар бўшлиғининг диаметри -15,05 мкмдан 16,23 мкм гача, ўртача 15,05 ± 0,12 мкм гачани ташкил қилган.

2-гуруҳ оқ каламушлар буйраги ва нефрон тузилмаларининг қиёсий морфологик ва морфометрик хусусиятлари.


Бунда буйракларнинг мутлоқ оғирлиги 1364,91 мг дан 1556,38 мг гача, ўртача 1468,43 ± 22,12 мг гача, тажрибанинг 1-гуруҳидан 12,61 % га кам, ўнг буйракнинг узунлиги 14,98 мм дан 15,92 мм гача, ўртача - 15,48 ± 0,76 мм, экспериментнинг 1-гуруҳидан 4,75% га кам, кенглиги ўртача 7,31 мм дан 8,28 мм гача, ўртача -7,79 ± 0,17 мм, экспериментнинг 1-гуруҳига нисбатан 6,45% га кам, қалинлиги 6,65 мм дан 7,55 мм гача, ўртача -7,12 ± 0,64 мм, экспериментнинг 1-гуруҳига нисбатан 4,04% га камроқни ташкил қилган (2-расм).

Шу билан бирга, ўнг буйракнинг ҳажми 1014,87 мм³ дан 1341,5 мм³ гача, ўртача 1175,25 ± 20,16 мм³ ни ташкил этган, бу эса тажрибанинг 1-гуруҳидан 8,36% га камдир.



2-расм. Тажрибанинг барча гуруҳлари 5 ойлик каламушлари буйраги ҳажми (мкм^3) солиштирма таҳлили.

Интракортикал нефронларнинг буйрак таначаларини гистоморфометрик ўрганиш шуни кўрсатдики, экспериментал гуруҳнинг 5 ойлик каламушлари буйрак таначасининг умумий майдони ўртача ҳисобда $684,97 \text{ мкм}^2$ дан $768,67 \text{ мкм}^2$ гача, ўртача- $738,27 \pm 6,65 \text{ мм}^2$, экспериментнинг 1-гуруҳига нисбатан 7,02% га кам, томирлар коптокчасининг майдони $400,76 \text{ мкм}^2$ дан $454,34 \text{ мкм}^2$ гача, ўртача - $427,08 \pm 4,53 \text{ мкм}^2$, тажрибанинг 1-гуруҳига нисбатан 4,68% кам ва капсула бўшлиғи майдони $102,81 \text{ мм}^2$ дан $222,83 \text{ мм}^2$ гача, ўртача - $213,26 \pm 2,09 \text{ мм}^2$, тажрибанинг 1-гуруҳидан 11,73% га камлиги кўрилган (3-расм).



3-расм. Тажрибанинг барча гуруҳлари 5 ойлик каламушлари буйрак таначасининг умумий майдони (мкм^2) солиштирма таҳлили.

Гистоморфометрик тадқиқотда, шунингдек тажрибанинг 2- гуруҳи 5 ойлик каламушларида таъсири тугагандан сўнг, проксимал эгри-бугри каналчаларининг диаметри $3,26 \text{ мкм}$ дан $3,96 \text{ мкм}$ гача ўзгаргани аниқланди, ўртача $3,18 \pm 0,47 \text{ мкм}$, бу экспериментнинг 1-гуруҳига қараганда 7,28% га камроқ, проксимал эгри-бугри каналча бўшлиғи диаметри $2,31 \text{ мкм}$ дан $2,87 \text{ мкм}$ гача, ўртача - $2,64 \pm 0,08 \text{ мкм}$, тажрибанинг 1-гуруҳи билан таққослаганда 14,47% га камни ташкил этган.

Ўтказилган гистоморфометрик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, экспериментал гуруҳнинг 5 ойлик каламушларида дистал эгри-бугри каналча диаметри $2,24 \text{ мкм}$ дан $2,67 \text{ мкм}$ гача, ўртача $2,46 \pm 0,48 \text{ мкм}$ ни ташкил қилади, тажрибанинг 1-гуруҳидан 8,69% га кичик, дистал эгри-бугри каналча бўшлиғи диаметри $1,12 \text{ мкм}$ дан $1,94 \text{ мкм}$ гача, ўртача $1,58 \pm 0,21 \text{ мкм}$, экспериментнинг 1-гуруҳига нисбатан 17,29% га кам эканлиги аниқланган.

Яллиғланишга қарши дори воситалари полипрагмазияси буйрак ички коллаген толаси тузилмаларига ҳам салбий таъсир кўрсатиб, коллаген толалар зичлашиши ҳисобига тутамлар ўлчамининг ингичкалашишига, оралик

тўқималарнинг сийраклашувига ва коллаген толалар ковузлоқларининг кичрайишига олиб келади.

Полипрагмазия натижасида буйрак қон-томирлари диаметрларида сезиларли ўзгаришлар кузатилмаган бўлсада, томирлар тўлақонлиги ва нефрон томирли коптокчаси майдонининг катталашishi кузатилди.

АДАБИЙОТЛАР:

1. Мустафоев, З. М., Бахронов, Ж. Ж., Хидиров, З. Э. (2022). Яллиғланишга қарши дори воситалари полипрагмазиясида буйрак нефронларида рўй берадиган морфометрик ўзгаришлар. Биология ва тиббиёт муаммолари.- Самарқанд–2022, 3, 177-181.

2. Oglu, M. Z. M., & Zokirovna, O. A. (2023). MORFOLOGICHESKIE I MORFOMETRICHESKIE PARAMETRY PECHENI BELYX BESPORODNYX KRYC, PERENESSHIX EKSPERIMENTALNУЮ ЧЕРЕПНО-МОЗГОВУЮ ТРАВМУ ПОСЛЕ МЕДИКАМЕНТОЗНОЙ КОРРЕКЦИИ. JOURNAL OF BIOMEDICINE AND PRACTICE, 8(1).

3. Мустафоев, З. М., Бахронов, Ж. Ж., & Хидиров, З. Э. (2022). Яллиғланишга қарши дори воситалари полипрагмазиясида буйрак нефронларида рўй берадиган морфометрик ўзгаришлар. Биология ва тиббиёт муаммолари.- Самарқанд–2022, 3, 177-181.

4. ТЕШАЕВ, Ш., & МУСТАФОЕВ, З. (2022). ПОЧЕК ПРИ ПОЛИПРАГМАЗИИ ПРОТИВОВОСПАЛИТЕЛЬНЫМИ ПРЕПАРАТАМИ. ЖУРНАЛ БИОМЕДИЦИНЫ И ПРАКТИКИ, 7(1).

5. Мустафоев, З. М. Ў. (2021). Сравнительная характеристика морфологических параметров почек при полипрагмазии противовоспалительными препаратами. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(8), 622-630.

6. Мустафоев, З. М., & Бахронов, Ж. Ж. (2022). Морфометрическая характеристика частей нефрона почек крыс в норме и при полипрагмазии противовоспалительными препаратами. Вестник ТМА–2022, 2, 57-59.

7. Norbekovich, T. B., Oblakulovich, K. S. O. S., Sadinovich, U. S., Mustafоеvich, M. Z., & Akhmadjonovich, S. S. (2021). Polypragmasia as a risk factor causing complications in viral infection. Central Asian Journal of Medical and Natural Science, 2(2), 79-82.

8. Mustafоеv, Z. M. (2021). Morphological Parameters Of Kidney In Polypragmasia With Anti-Inflammatory Drugs. The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research, 3(10), 33-37.

9. Mustafoev, Z., & Qo'ldoshev, F. (2023). TIBBIYOTDA IT TEXNOLOGIYALARIDA FOYDALANIB JIGAR SERROZINI DAVOLASH. Бюллетень студентов нового Узбекистана, 1(5 Part 2), 8-10.

10. Mustafoev, Z. (2023). COMPARATIVE CHARACTERISTICS OF THE MORPHOMETRIC PARAMETERS OF THE KIDNEY IN POLYPHARMACY WITH ANTI-INFLAMMATORY DRUGS. Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences, 2(4), 75-80.

11. Mustafoev, Z. M., Teshae, S. J., & Bakhronov, J. J. (2022). Features Of Kidneys Exposed to Various Factors. Eurasian Scientific Herald, 5, 144-154.

12. Mustafoev, Z. (2023). COMPARATIVE CHARACTERISTICS OF THE MORPHOMETRIC PARAMETERS OF THE KIDNEY IN POLYPHARMACY WITH ANTI-INFLAMMATORY DRUGS. Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences, 2(4), 75-80.

13. Zafarjon, M. (2022). ANALYSIS OF POLYPRAGMASIA PREVALENCE AND MORPHOLOGICAL CHANGES OF KIDNEYS. YANGI O'ZBEKISTONDA MILLIY TARAQQIYOT VA INNOVASIYALAR, 105-108.

14. Мустафоев, З. М., & БАХРОНОВ, Ж. НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ. НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ Учредители: Бухарский государственный медицинский институт, ООО "Новый день в медицине", (1), 286-288.

15. Хидиров, Зиядулла Эркинович, Абдураимов Зафарджон. «Взгляды на «Постхолецистэктомический синдром». Центральное-Азиатский журнал медицинских и естественных наук 4.3 (2023): 200-206.

16.3 Абдураимов, З Хидиров - Евразийский журнал медицинских и ..., 2023 - in-academy.uz

В данной статье приведены сведения о восстановлении морфологических структур в стенке тонкой кишки, атрофических процессах в мышечном слое кишечника, патологии тонкой кишки.

17. Абдураимович, А. З., и Эркинович, Н. З. (2023). MORFOFUNKSIONALNAYA XARAKTERISTIKA TONKOY KISHKI PRI EKSPERIMENTALNOY XOLECISTEKТОМИИ И ANТИГИПОКСАНТНОЙ ТЕРАПИИ ПРИ ОСТРОЙ ТОНКОКИШЕЧНОЙ НЕПРОХОДИМОСТИ. Журнал универсальных научных исследований, 1(10), 222-229.

18. Абдураимов, Зафар и Зиядулла Хидировы. «ВОССТАНОВЛЕНИЕ MORFOLOGICHESKIX СТРУКТУР В СТЕНКЕ ТОНКОЙ

КИШКИ». Евразийский журнал медицинских и естественных наук 3.10 (2023): 103-107.

19. Абдураимович, А. З., и Эркинович, Н. З. (2023). МОРФОФУНКЦИОНАЛЬНАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ТОНКОЙ КИШКИ ПРИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ ХОЛЕЦИСТЭКТОМИИ И АНТИГИПОКСАНТНОЙ ТЕРАПИИ ПРИ ОСТРОЙ ТОНКОКИШЕЧНОЙ НЕПРОХОДИМОСТИ. Журнал универсальных научных исследований, 1(10), 222-229.

